

АБДУНАБИ БОЙҚЎЗИЕВ

# КЎЗЛАРИ ДАРЁЙИМ-АЙ!..

(Шеърлар)

ТОШКЕНТ — «O'ZBEKISTON» — 2007

---

«Юрагига Мажнунни қамаб қўймаган эркак, қалбининг тўрида Лайлини асраб юрмаган аёл шеър битиб овора бўлмасин», деб ёзади адабиётшунос олим Улуғбек Ҳамдам.

Қани энди назм ҳавасида — ҳавосида юрган ҳар бир шоир ўз қалбига ана шу талаб, ана шу мезон ила бот-бот назар солса.

Шоир Абдунаби Бойқўзиёвнинг юрагида Мажнун бор, Лайли бор ёки йўқ, деб қатъий айта олмасмиз. Бироқ унинг шеърларида покиза жунун бор, шу жунунни телбалар қилиб, куйдириб-ёндириб яшаётган бир жонон тимсоллар бор...

Азиз китобхон!

Тўпламни варақлаб кўринг-а. Зора, фикримиз бир жойларда туташса...

ISBN 978-9943-01-076-5

© «O'zbekiston» НМИУ, 2007 й.

---


## ИСТАК

Юртим,  
Сени яшартириб яшасам,  
Меҳрим унса ҳар бир майса, гиёҳда.  
Қанча суйсам  
Қанча куйсам шунча кам,  
Шунча камдир, шунча камдир, шунча кам.

Юртим,  
Кўзим!  
Ёшинг артсам, яшартсам,  
Вола бўлиб қолсам, воланг ўзим ҳам.  
Сени суйиб, қучоғимга айлаб жо  
Кўзинг бўлиб кўзинга нур қўшолсам.

Ўзинг бўлсам,  
Ўзим бўлсанг, ўзлашиб  
Бир дил бўлсак,  
Битта дилдай яшасак.  
Ва севишсак, севишсалар шу қадар,  
Муҳаббатга, ишққа дўнса Келажак.

Хаёларга дўниб қолса ҳаволар,  
Ҳаёларни қона-қона симирсак.  
Телбаланиб бизнинг далли наволар



Осмонларда учиб юрса ҳаволаб,  
Эзгуликка айланса ҳув булутлар,  
Жолам бўлиб армонларинг ювсалар.  
Қуёш мисол чарақласа умидлар,  
Умидларда унса ширин бўсалар.

Дунё, сени яшартириб яшасам...

2006

### ДАВРОНЛАРИНГ


Мозийларда янграйди най, бир куй қадим,  
Қай замондан келаётир у, билмадим.  
Бу наволар элим ёди, дил имдодим,  
Куйларингни топгил, Ватан, куйларингни!

Куйларингда куяй, деб мен келдим мана,  
Тўйларингда куйлай, деб мен келдим яна,  
Бўйларинга тўяй, деб мен келдим, Она —  
Бўйларингни тарат — Ватан, бўйларингни!

Давронларинг даврон бўлди, дов бўл энди,  
Қадди баланд, қадри баланд тов бўл энди,  
Ёвларингга ярашиқли ёв бўл, энди,  
Бўйларингни кўрсат, Ватан, бўйларингни!

Бўйларингдан ўргилай мен, мен ўргилай,  
Давринг келиб даврон сургил, сур ўргилай,  
Бу дунёлар тургунча тур, тур-тургилай,  
Тўйларингни кўрсин, Жаҳон, тўйларингни!

2006



## НАВРЎЗ

Ассалом! Хуш келдинг, баҳорим — Наврўз,  
Борлиққа эзгулик ифорин сочиб.  
Кел, тошиб куйлайлик, қолмасин ғубор,  
Келақол, қалбингни гуллардай очиб...

1995

## ШОИРЛАР

Ўзларидан ўзларин излаб ўтар гадолар,  
Ўзин сенлаб сўзларин сизлаб ўтар гадолар.  
Хонумонга ўт тушса хотири живраб қўймас,  
Тил ўксинса то маҳшар бўзлаб кетар  
гадолар.

2007

## ҚИСМАТ

...Ҳаётингдан кетмасам бўлмас.  
Гулжамол Асқарова

Эй, дўст...  
Ҳаётидан кетмак осонми?  
Ёлғон\* — жоду, кечмак осонми?  
Сен аҳийлар ҳижобидасан  
Висол оҳин чекмак осонми?!

---

\* Ёлғон — гунё.

Сен кечасан,  
Қисматинг кечмас,  
Сидқинг кажбахс, ўзингдай асов.  
Шавқинг адл, жунунларинг дов,  
Бул шунчаки дилгирлик эмас.

Бахтсизман, деб ёзма, Гулжамол,  
Оғриқларинг қилма овоза.  
Бахтнинг ўзи бахтсиз, эҳтимол,  
О, бахтсизлик — бечора, мулзам.

Бахтсизликни бахтли қилурсан,  
Дил тўрида тахтли қилурсан.  
Сен... бир жавод замон ахтариб  
Бораётган самандар — Ҳурсан.


Ай, дўст...  
Ҳаётидан кетмак осонми?..

2006

## БУ ДУНЁ

Кел, дединг  
Теброна, теброна келдим.  
Кет, дединг  
Эмрона, эмрона кетдим.  
Бу келиш, бу кетиш ўртаси ёлғон  
Бўлса, айт,  
Мен нени яшадим?  
Нимадан ўтдим?!  
Ё, Раббим...

2006



## ЁР КЎЧАСИ

Ёр кўчаси сайхондир,  
Чети жамбил, райҳондир.  
Жилдираган сувлари  
Оқиб ётган армондир.


Янгалари ясовул,  
Қўшни бола косовдир.  
Итларига талатиб  
Абгор қилди-я, довдир.

Кулги бўлдиқ. Майлида,  
Бизни ким ҳам билибди.  
Бундоқ, сезиб эшиқдан  
Боқса нима қилибди.

Кеча кўрдик биз уни,  
Қошлари жа, ўсмали  
Хўв наридан ўтсагам  
Қоч, йўлимни тўсма, дер...

Хўп, йўлини тўсмадик,  
Йўли ўзига сийлов.  
Кўрарми... бу жин кўча  
Биздай олов, биздай дов.

Асли чақир тошига  
Товонимиз хор эмас.  
Ундай бағри тошига  
Биздайлар ҳам зор эмас.



Қўштабақа эшиги,  
Зулфинлари зарнигор.  
Ичкарида нишини  
Қайраб турган «ари» бор.

Керилмасин ул пари,  
Кўчам сўлим, сайхон деб.  
Асли шилдир сувлари  
Ачиб қолган айрондир.

2006

### СОНЕТ

Во, тун! Юлдузларинг тунаб кетди ким?  
Сени ким бунчалар тунлатди, Осмон?!  
Ит бўғзидан кўкка ўрлаётган Ун  
Маъзур тут, қозонда қолмабдир ёвфон.

Ёвфон шивирлайди ҳазон боғларим,  
Кўнгли озиб ётган мунгнасим боғлар.  
Ой кўксин доғидан бағир доғларим,  
Бағир доғларимиз Ой кўксин доғлар.

Ё фалак бағрингда бунча булут мўл,  
Қийналди излаб ҳур Чўлпонлар бизни.  
Бунча яйрамаса сенда таҳаммул,

Найсоним бўғзида фигоний ҳузун:  
Энди алп келбатли бўз онлар керак,  
Жон-жаҳон ўртагич сўзонлар керак...

1986



## ОЙЛАР ТЎЛИНИ

*Жондасизу жонимдан йироқ,  
Кўксимга оғриқлар экдингиз.  
Бас энди тўхтаманг, кетингиз,  
Бас, энди қайрилманг, кетингиз.*

*Газетаган*


Жоним,  
Энди ортга қарама,  
Сен бир армон, армон! Кетавер!  
Шамол, сочларини тарама,  
Кўча, хайр! Бизларни айир.

Дийдирама,  
Қўй, ипак рўмол.  
Сен титрама елкаларида.  
Уни кутар бир лазиз висол  
Юрагимдан... уч кун нарида.

Сен сўрама  
Кўча, кўчажон,  
Бахтлими, деб ойнинг тўлини.  
Сендан битта ўтинч, илтижом,  
Кетмасанг бас йўлда бўлиниб.

О, ойдин тун,  
Ойдин лаҳзалар  
Тунга дўниб тўсманг йўлини.  
Хотиралар еткизманг озор,  
Кетар менинг ойдаи тўлиним.  
Кетсин-ай, ай-й, ойлар тўлини...

2007



## ЁРИМ БЎЛСАНГ

Етармиди бошим осимонлара  
Келсанг ёрим келсанг, келсанг, келсанг.  
Ғариб жоним ёлчир носибонлара  
Билсанг ёрим билсанг, билсанг, билсанг.

Ишқ тоғидан ийган сувлар қадрини,  
Ишқ, деб оғу ютган ишқивор билар.  
Қақраб ётган чўлнинг чанқоқ зорини  
Ашксиз дилга ошиқ ашқивор билар.

Қалб кўзлари ашксиз, ишқсиз ёрим-а,  
Ёзи кузсиз, қиши изсиз ёрим-а,  
Ғули биза мушксиз, хиссиз ёрим-а,  
Нетар, дили зорим бўлсанг-ай, бўлсанг.

Бағри тош, бағрингда ишқ бўп иярдим,  
Тийра мужгонинга ашқ бўп инардим,  
Қаҳр итоб қалбингда рашқ бўп унардим,  
Бир зум ёрим бўлсанг, бўлсанг-ай, бўлсанг.

Бир зум оғушима кирсанг-а, кирсанг,  
Бағримда хув Ойдек бир тўлсанг, тўлсанг!..

2007

## ПАЁМ

Чўккан кўнгиллардай чўкиб қолдим мен,  
Адл тоғлар каби силқиб бўзладим.  
Энди баҳорларим гуллайди маҳзун,  
Келди мева бермас ёзим, кузларим.

Энди япроқлар ҳам чалмаслар чапак,  
Энди новдаларим ранги ўзгача.  
Қозоним гулламас, гурламас ўчоқ,  
Ёзим узамайди яйраб кузгача.

Хаёлимда яшаб толиққан Аёл,  
Ойдин хотирадай синиқди охир.  
Бугун фуруримнинг оёқлари шол,  
Рашким, ҳамиятим менда мусофир.

Мен энди нетаман, бунда нетаман,  
Ким бўлиб келдиму, ким бўла ўтдим.  
Дунёни бўзлатиб бўзлаб кетаман,  
Ашким оби оташ, оҳларим ўтдир...

Оҳим! Оҳларингга етмади ҳеч ким,  
Ҳолинг не кечди, деб сўрмади даввор.  
Дунёда қолдим дунёлик ишим,  
Бизни дунё билгич дунёлар ҳам бор.

Чўккан кўнгиллардай чўкиб қолдим мен,  
Адл тоғлар каби ўксиди кўнглим.  
Энди баҳорларим йиғлайди хун-хун,  
Келди ёз, кузларим, мева бермас кун...

Чўккан, кўнгиллардай чўкиб қолдим, мен...

2006

## СОКИНАМ, ЧАРОСИМ

Ойнамда жовдираб ой ботди,  
Келдингми, кулбамга, жоним — Тун!  
Сенла ёлғиз сирлашмоқ учун,  
Мен бутун қишлоқни ухлатдим.

Келдингми, сокинам, чаросим,  
Насим нафаслиғим — тим Ибо.  
Дилда қанча айтимларим бор,  
Борми, айт, айтурнинг чораси.

Бўзламоқ истарман, бўзламоқ,  
Келарми, бир бора хонаси.  
Мен ахир ошиқман — оловман,  
Ёнасим келади, ёнасим.

Бордию, мен ёнсам, мен ёнсам,  
Дардимга, васлингга муносиб.  
Уйғониб кетмасми, бу осмон,  
Кетмасми, дунёни нур босиб.

Изларман  
Бўзламоқ чорасин,  
Ёндирмай сокинам, чаросим,  
Борлиғи бокирам... Ё, насиб!..

2006

## ҲИЖРОН КЕМАСИ

Маҳбуб,  
Бир маҳбуб муножот қолди кўзингда,  
Аҳтарим деб айтармидинг балки сан...  
Ҳолда ҳижоб, қайтдим, ортга — изимга,  
Бир сўз армон, ул сўз вайрон. Айрусан...  
У кунлар ёди ёд. Униқдим балки,  
Балки ҳофизангдан ўчдим сарғариб.  
Айролиқ сориға кетяпман қалқиб,  
Мавжвар ахтариб, инграб телбариб...

Гарчи ишқ ортдадир, гарчи ишқ ортда,  
Айролиғ олдинда, айролиғ олда...

2006

## КАМИЛЛА

*Машҳур фаранг ҳайкалтароши Огюст Роденнинг шогирди ва маъшуқаси Камилла Клодел ишқ оташида ақлдан озиб умрининг ўттиз йилини руҳий шиғохонда ўтказди ва ўша ерда ўлди. Унинг қадр топмаган ишқи бугун тилларда гостон. Ўз даврида бир пулга қиммат саналган асарлари — ҳайкаларини энди не-не одамлар бир кўришга орзуманг.*

Майли, севма, мени азизам,  
Ачиниб қўй гоҳи-гоҳида.  
Боттичелли гўзалларидай  
Оҳлар урди, шўрлик Камилла!..

Майли севма,  
Сен менга ачин,  
Шу ҳам етар. Бу ҳам мурувват.  
Севилганлар бу дунёда чин  
Яралгайдир... қалбсиз. Бешафқат...

Дунё севар бешафқатларни,  
Ёниб севар девоналарча.  
Таптар қалби ишққа музтарни,  
Ишқиворни хўрлайди, барча.

Ишқивор хор,  
Ҳар ерда ғариб,  
Ана, сенинг пойингда ётур.  
Ҳақ уларни шундай музтариб  
Шаън... мукаррам қилиб яратур!

Майли, севма,  
Майли азизам,  
Ачиниб қўй, ҳеч йўқ гоҳида...

2006

## ИШҚ — ҚИСМАТИМ

*Сен менга севишни ўргатдинг.  
Умида Абдуазимова*

«Сен менга севишни ўргатдинг»,  
Ўргатдинг ҳажрингда ёнмоқни.  
Ўзимни ўзимла сўзлатдинг,  
Севги бу оловми? Ёнмоқми?!

Оловга айландим, алангам,  
Ёритди Марфилон, Ўшларни.  
Тошкентда висол, деб бўзласам,  
Анжоним кўзлари ёшланди.

Ёҳу! Мен ошиқман! Чин ошиқ  
Оҳи ошиқларни бўзлатар.  
Қоғозга ёзганим қир ошиб  
Тошюрақ тоғларни сўзлатар.

Демак...  
Мен — шоирман — ошиқман,  
Бу менинг ёзуғим, исматим.  
Қалбларда олов-ишқ уйғотиш  
Нисбатим, нусратим, қисматим.

Ёҳу-у... мен ошиқман...  
2006

## МАЙЛИ

Кўнглим,  
Кўнглинг сўраб борсам  
Кўнглингни очармисан?  
Кўнглимнинг бошидан кўнглинг  
Гул қилиб сочармисан?!

Кўнглим,  
Кўнглинг қули бўлдим,  
Кўнглингчун ўлай кўнглим.  
Кўнглим, Сен яйраб, яша,  
Мен, майли сўлай, кўнглим!

2006

## ҲАЁЛИГИМ

Ҳаёлигим  
Хаёлинг кимда?  
Хаёлингдан ўтаётган ким?  
Тахайюлинг саъйи савтидан  
Титрар қафасдаги каптарим.  
Зулм этма, бечора каптарга  
Синдирма, бул ҳаста қафасни  
Ҳаёлигим...

2006



## ЎША БИТТАСИ

Аста-аста эриб борди тун,  
Ўчди сўнги милчиноқ, увол...  
Ойимомо оқади маҳзун —  
Ҳазин хаёл — шикаста Аёл...

Фарчиллатиб кечиб борар у,  
Ҳаётига ёққан қорларни.  
Эритмасдан кураб ташлади,  
Ёлғон хору, ёлғон зорларни.

Қолди битта...  
Ўша... «Биттаси»...

2007

## ҲАМОНКИ

Агарчи, келмасанг кўнглимга сан,  
Аёнки, кўнглима келмагансан.  
Ҳамонки, келибсан кўнглимга сан,  
Кўнглимда, кўнглимда, кўнглимдасан.

2007

## ЯШИЛ ДАРАХТ

*Фуломқодир акамга*

Яхши одам — бир яшил дарахт,  
Соясида салқинлар имон.  
Шоҳларида шовуллайдди бахт,  
Баргларида гуркирар Осмон.

Суйиб елар шаббодалар ҳам,  
Унга ташна чўллаган дамлар.  
Ажаб унинг сахий бағрида  
Қумурсқага, қуртга-да жой бор.

У ёзғирмас, нолалар қилмас,  
Саболарни кутиб яшайди.  
Аҳли ҳилол аҳди ила маст  
Садоларни кутиб яшайди.

У инграмас, қилмас волалар,  
Кемирсада қуртлар бағрини.  
Жонни омон қилиб турса бас,  
Ризқми? Ризқдан бўлмас оғриниб...

Аҳли ҳилол саболари-я!  
Елинг, кутар бир яхши одам.  
Аҳли ҳилол садолари-я!  
Келинг, кутар бир яхши одам.

Яхши одам — У яшил дарахт,  
Соясида салқинлар Осмон.  
Шохларида шовуллайди бахт,  
Баргларида яйрайди имон.

2007

## МЕНИ ЁНДИР

*Бу дунёда солиҳ, имонли, ўзлари ушоқдеккина  
бўлсада сидқда қоим ва салобатли, собир  
одамлар кўп. Ўшандайлар қаторида ёзувчи  
Муроджон Мансурни ҳам кўриб тургандай  
бўлавераман.*

— Висол, висол, сароб оғайни,

— Сароблиги лаззат, баайни...

Мен ёнаман,  
Во, мен ёнаман,  
Омонлик йўқ, омонлик сароб.  
Бу оловдан ким чиқса омон  
У бахтсиздир, дўзахий, ҳароб.

Ҳароб этма,  
Парвардигорим,  
Ёндир дилим, ёндиरो ёндир.  
Қалаяпман гуноҳкор борим —  
Қўлим, сочим, бу тил — забондир.

Юрагимми?..  
Юрагим... Тангрим,  
Раҳм айлагил... Оловга раҳм эт.  
Унда Сендан бир оташ борким  
Қошида ҳеч қуёшнинг тафти.

Тангрим!  
Руҳизорим ўзинг сақла,  
Ўзинг асра бу оташдан.  
Огоҳ этдим Ўзинг ҳаққи,  
Яратгайсан аввал бошдан.

Ҳароб этма бу дунёни,  
Мени ёндир, мени ёндир.  
Агар ёнсам, агар ёнсам,  
Ишқ омондир, дунё омондир.

Мени ёндир, мени ёндир.

2007

## ТИНИҚИШ ФАСЛИ

*Курсдошим Султонпоша Ёқубовага*

Қушларнинг патида ивиб, нам тортиб,  
Япроқларни юлиб, елларга отиб,  
Тошларга ёпишиб, лойларга ботиб,  
Симиллаб йиғлайди боғларда бир Куз.

Ариқда қаримсиб, ирмоққа дўна,  
Баргларни оқизиб, хасга тўқина,  
Тип-тиниқ ўй суриб, қишга юкина,  
Излаб кетаётир баҳорни у — Куз!

Умри ҳазонлардир бу — ифор наво —  
Куз, энди ўтамиз. Йўқ бунга даво,  
Борлиқ кўзларимга боққан илтижо —  
Бўзлаб кетаётган чоғлардир бу — Куз.

Бундоқ ўйлаб кўрсак Пошшопа, асли  
Куз тиниқлик фасли, синиқлик фасли.  
Ундан балқиб турар маънолар васли,  
Маънолар қасрида яшайпмиз биз.

Ношукр бўлмасмиз, новмид эмасмиз,  
Ёзлар ёзғириғин қишга термасмиз.  
Сени юз баҳор, ёз, қишга бермасмиз  
Кузак. Ҳуснингга кўз тегмасин, ҳаргиз.

Турналар пати ила осмонни артиб,  
Новдаларни ёриб, куртақда бўртиб,  
Ариқда жилдираб, шамолда йўртиб,  
Баҳор бўлиб қайтгил, қайтақолгил, Куз!..

2007

## ЯХШИЛИК

*Устоз Иброҳим Раҳим мени — тажрибасиз  
бир талаба журналистни «Муштум»  
журналида ишлатиб нима баҳра топди,  
билмадим. Бироқ биз у киши сиймосига  
виждонни топган эдик.*

Руҳингиз ёд этдик,  
Ўзни шод этдик.  
Ёришди хотирим хилватгоҳлари.  
Бизга қолди Сиздан меҳр лавҳлари  
Яхшиликлар қолди. Қолди қалб битик.

Юз хил қалам йўндим. Бир сўз қадрига  
Етдимми-етмадим. Билмадим. Бу рост.  
Шукр, дўстлар берди...  
Улар қалбига  
Битдимми-битмадим, чеҳрамни. Хуллас...

Қалби алам силққан ёзғувчиман мен,  
Битта сўз қалбига ёздимми бир сўз.  
Эрта бир кун ўтиб кетсам ортимдан  
Отимни атарми икки-учта дўст.

Сизни-ку, билмадик,  
Нима топдингиз,  
Бизларни папалаб, қиймалаб жонни!  
Биз топиб боряпмиз ҳамон изма-из  
Иброҳим Раҳимдан қолган виждонни...

2006

## СУЛТОНМУРОД АКА

Акам тушунмаган лаҳжам, тилимни  
Наҳот тушундингиз, наҳот! Ташаккур!  
Яйратиб қўйдингиз дилхун дилимни,  
Шеъринг шарҳ этсалар на ҳаз, на ҳузур.

Менинг ғариб дилим сирмидир, асли  
Навоий сайр этган боғларда хоссиз.  
Балки, шу боисдир ул пири комил  
Нажмиддин Комилга манзур ихлоссиз.

Сирликка арзирми, ғариб дил розим,  
Гулининг қалбига маҳрам қаламга.  
Неки ёздим, дилда борини ёздим,  
Неники ёзғирдим — менинг алангам.

Ўрибдир арқоғим — мунгдир афғондир,  
Мен зинҳор тонмадим. Ранж туймас ёдим.  
Гарчи ёзғутларим ранги ёвғондир,  
Тасалло шундаки, ёлғон солмадим.

Султонмурод акам, султондил акам,  
Ўзи султон, қалби ултондил акам.  
Биз Сизни англамай ўтсак ажабмас  
Ғофил юракларда, вулқондил акам...

2006

## НИМАСИ БОР?

*Жаббор ака Раззоқовга*

Тўғри,  
Бундоқ қарасангиз кўча хандон,  
Кўрган дейди: «Бу кишимнинг нимаси бор?  
Ҳеч вақоси! Бу кишимнинг жуссаси бор,  
Юрагида муддаоси: «Курсим», деган.

Бироқ  
Фамин кулиб-кулиб ўлдиради,  
Ярасига малҳам босар аламлардан.  
Қўйнингизни меҳри ила тўлдиради,  
Меҳр билан ёзғиради одамлардан.

«Бормисиз?» — деб ҳол сўраса кўрганида,  
Шукроналар келтирасан борлигинга.  
Кўнглинг ўсар соғу-омон юрганингдан,  
Бир дунё бўп қайтасан сўнг тор уйингга.

Ҳофизанга донғил-донғил ўйлар келар,  
Тиниқлашиб қолар сўлғин саҳарларинг.  
Ориқ, ҳорғин орзуларинг кучга тўлар,  
Алпомишга менгзар босар-тусарларинг.

Тўғри,  
Бундоқ қарасангиз, кўча хандон,  
Кўрган дер: «Ҳаҳ, бу кишимнинг нимаси бор?»  
Ҳеч вақоси! Бу кишимнинг қисмати бор,  
Юрагида жазаваси, — «Юртим», деган...

2006



## ДИЛКАШИМ... ҒАНИМ

Бағрим тилим-тилим, тилинди,  
Мени тушунмади тушунганларим.  
Ўзим тушунмаган ғалча тилимни  
Ўзимдан яхшироқ тушунди ғаним.

Бағрим тилим-тилим, тилинди,  
Мени тушунмади тиллашганларим.  
Ўзим ҳис қилмаган оҳли дилимни  
Ўзимдан оҳлироқ ҳис қилди ғаним.

Бағрим тилим-тилим, тилинди,  
Эй воҳ, туғишмади туғишганларим.  
Укам хуш кўрмаган маслак-йўлимни  
Ҳар куни соғиниб туш кўрди ғаним.

Мени тушунмади туғишганларим,  
Тушунди тушимга кирмасим ғаним!  
Энди мен ўзимни кимдан асрайин  
Ай, дилкашим, дилғашим, ғаним?!.

2006

## ГАР КАМОЛ ИСТАЮРСЕН

*Қамчибек акамга*

Гар камол истаюрсен  
термул устоз кўзина,  
Тавоб қил, сур кўзинг  
солик либоси бўзина.

Тош бўла тегди неча  
бошина авбошлифинг,  
Эмди бошни сомеъ тут,  
кам, оёғи тизина.

Лабларинг туйди магар  
тотли туз, ошлуғларин,  
Эмди Улдин розилиқ,  
гар ўзи рози тузина.

Кўзина термултмай оҳингдин  
айланди мудом,  
Айланурда сен мудом  
боқдинг замона тусина.

Бас, умри вофир тила,  
восил эт, де, васлина,  
Ҳар қалам тутганда қил  
илтижолар Ўзина.

2006

## ЙАЗҒУРМА

Ҳуснинг чаман лоласи, гирди шабнам донаси,  
Ул, ваҳ, кимлар воласи, кўз ёши, хун жоласи?

Раҳми қил, асир дилам, бандайи басир дилам,  
Рост йўл топарманму, васл уйига, ё насиб.

Ихтиёр эдим сўзандил\*, ўрта азобида,  
Йазғурма\*\*, тарахҳум қил, қатл эт ишқдин  
дор осиб.

Айб этма, беқароринг, бир қарор истаюр, жон,  
Токи нолам етмаса, келди оҳнинг хонаси.

Гар висол айёмидир, Интизор ҳоли зорлиғ,  
Англармикан ул нигор, бир фақирнинг  
ноласин?!

2006

## ГУЛИСТОНИМ МЕНИНГ

*Муқимий ғазалига муҳаммас*

Ошиғ аҳли тортмиш оҳким  
оҳу зоримдир менинг,  
Ғамки бор чекмиш бу очун  
бағри доғимдир менинг,

---

\* Сўзандил — куйдирувчи, дилни ўртовчи.

\*\* Йазғурма — гуноҳкор қилма.

Жабри қилғил, бир жабри қил,  
        гам хуморимдир менинг,  
Боғ аро ҳар бир қизил гул  
        тоза қонимдир менинг,  
Тонгда булбуллар фиғони  
        достонимдир менинг.

Ҳай, меҳри йўқ, банд айладинг  
        фитна даҳринда мени,  
Куйдириб яйрат, айролиф  
        ўти қаҳринда мени,  
Ишқли қалбга кулфатки бор,  
        тушди — маҳримда мени,  
Қувла сахроға рақиблар,  
        қўйма шаҳримда мени,  
Майли сифмас бўлса сифмас,  
        ўлмаган жоним менинг.

Бу ўйилғон сийналарни  
        баттар ўйинг, эй дўстлар,  
Инграсам, тақдир бу, денг,  
        чархга йўйинг, эй дўстлар,  
Шўр пешонам тузларидан  
        тоғлар уйинг, эй дўстлар,  
Мен агар ўлсам шаҳар  
        ичра қўйинг, эй дўстлар,  
Бир куни бўлғай бу қабристон  
        гулистоним менинг.

Тун, шаддод юлдузлара  
                                биз Интизор, суҳбат аро,  
Ой ўзингдек ороланиб  
                                сирли оқар, суҳбат аро,  
То қуёш балққунча ҳар  
                                субҳи саҳар, суҳбат аро,  
Халқлар бу шамъи ҳуснингни  
                                ёқар, суҳбат аро,  
Ўлмагай сўнгра Муқийм,  
                                шамъи шабистоним менинг.

2006

## **ЧЎМБИРИМ, ҚЎНҒИР СОЧЛИМ**

*Набирам Беғижонга мактуб*

Аянг қийиб ташлаб кетган  
Сочларинг топиб олдим.  
Томоғимга ёш тиқилди,  
Эшикларни ёпиб олдим.

Қўнғир, момиқ муждаларни  
Кўзларимга сурибман.  
Билмадим, шу алпозда  
Беҳуш қанча турибман.

Хушларимни олиб кетган  
Бегим болам, бормисан?!  
Бизлар сенга зор бўлдик,  
Сен ҳам бизга зормисан?

Соғиндим, деб айт болам,  
«Дада, кетдик, ху-утга»..., де.  
Эшикларни очиб қўйиб  
Дўда бунда ку-утади.

Аҳ-ай! Дўда кутаверсин,  
Кутадиган иш бўлди.  
Аламини ич-ичига  
Ютадиган иш бўлди.

Сочларингни ҳидлайин, деб  
Бурнига олиб борди.  
Бир толаси кетиб қолиб  
Тескари аксирворди.

Уйқусида сени излаб  
Топганида туш бўлди.  
Ёзлари ёмғирли куз,  
Баҳорлари қиш бўлди.

Чўмбирим, қўнғир сочлим,  
Сенга Тошкент зор, бугун.  
Чапак чалиб тушганинг  
Сурат бизга ёр бугун.

Бардошим адош бўлди  
Кўзим тўла ёш бўлди  
Қолиб кетган иштонинг  
Қўяр жойим бош бўлди.

Чўмбирим, қўнғир сочлим...

2006



## ИНОНСАК ИМКОН ЭДИ

*Имон ҳам бир гор, йигит.*

*Имон ҳам бир гор, йигит.*

*Усмон Азим.*

*Хотиралар негадир ўтган асрнинг етмишинчи  
йилларига суграйверади.*

Мен ўзимни топаман,  
Аҳд қилдим ўз-ўзимга.  
Ўзим менга боқмади  
Зор бўлдим ўз-ўзимга.

Ният қилдим дилимда:  
Сўзла қалбим ёқаман.  
Дилим менга оқмади,  
Тор бўлдим ўз-ўзимга.

Хотирамга ёғди қор,  
Кўмди дилим дийдасин.  
Мен йўлларни кўрмадим,  
Йўллар бўлди менга зор.

Олға юрмоқ шарт эди,  
Юрмай юриш... қоида!  
Еру осмон титрасин,  
Жилмасамда жойимдан.

Десун: «Ана, шижоат,  
Гурсо-гурс қадамлари.  
Замоннинг келбатидир  
Шу замин одамлари».

Замонку замон эди,  
Имон ҳам имон эди.  
Имонлилар Имонга  
Инонса имкон эди.

Имонимку бор эди,  
Имон менга ёр эди,  
Имон менда хор эди,  
Имон менда дор эди.

Титкиладим бор бурдим:  
Мен Имонда бормидим?  
Ё, Имонга дормидим!  
Тангрим, Тангримо, Тангрим,

Билмадим-о, билмадим!..

2007

## ЁНАР СЎЗ

Бир дилрабо куйдирдинг,  
Бир оташин ёндим мен.  
Бир жонфизо суйдирдинг,  
Севдим, севдим жон-жондин.

Ёнар, куяр хонумон,  
Нурга дунар бор-борим.  
Ёниб қолар изимдан  
Шеърларим — ёлқинларим.



Шеърларимда ёнаман,  
Бундан бошқа йўлим йўқ,  
Ёнар сўз бўп қоламан,  
Сўзга асло ўлим йўқ.

Бир дилрабо куйдиргил,  
Бир оташин ёнай мен...

2007

### КИМДА БОР?..

*Мужгонга*

Кипригим — кибригим,  
Бийронгинам, Мужгоним.  
Чарақлаган кўзлигим,  
Кўзларимда гужгоним.

Момо, дейми мен сени,  
Онам, дейми, Оймомам.  
Кўрганда бир талпиниб  
Қўйсанг яйраб кетаман.

Йўқ, мен бебахт эмасман  
Бахтмасми бу. Беғубор...  
Меҳрин бир сўз айтмасдан  
Айтар кўзлар қайда бор?

Кимда бор бу изҳорлар,  
Софинчдан унган чоғлар.  
Қувонч балққан кўзлару  
Севинч тошган қучоғлар...

Кимда бор?!

## УЛФАТЛАР ТАЪРИФИДА

*Халқимизнинг эзгуликка йўғрилган анъаналари кўп. Гап-гаштак ҳам ана шундай қадриятларимиздан биридир. Қўшнилари йиғилишиб, оилавий аҳволимиз, турмуш шароитларимиздан бохабар бўлиб, оғир-енгил кунларга камарбаста туриш мақсадида чоғроққина гап ташкил этганмиз. Даврамизда турли соҳа мутахассислари бор. Улфатларни бирлаштириб турган муҳим жиҳатлардан бири бу барчамизга хос бўлган бир туйғу — юморга ташналик. Шунданми, ҳар биримиз навбатдаги гапни орзиқиб кутамиз. Ушбу ҳазиллар ҳам ана шу ҳис-туйғулар ҳосиласи ўлароқ ёзилиб қолувди.*

*Улфатларимизнинг яқинлари ушбу мисраларни шунчаки ҳазил сифатида қабул қиладилар, дея умид қиламиз.*

### Файзи Шохисмоиловга

*шоир, журналист*

Гап кирови гап бўлади,  
Файзи ака нўш этса.  
Дилгирликлар даф бўлади,  
Файзи ака нўш этса.  
Жононлардан гап бўлади,  
Файзи ака нўш этса.  
«Эшикни ёп-ёп», бўлади,  
Файзи ака нўш этса.  
Бизга мазза, зап бўлади,  
Файзи ака нўш этса.

**Тоҳир Алимбоевга**

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист*

Тоҳир ака лутф этсалар,  
Барча нозик таъб бўлур.  
Тоҳир ака лутф этсалар,  
Давра гулгунтоб бўлур.  
Тоҳир ака лутф этсалар,  
Айни бизларбоп бўлур.  
Мўйловлари шоп бўлару,  
Пастда икки лаб бўлур.  
Тўғри йўлга солворсангиз  
Борар ёғи чап бўлур,  
Тоҳир ака нўш этса.

**Пўлатхўжа Тошхўжаевга**

*моҳир педагог*

Талабалар азобидан  
Не асаблар дарз кетган.  
Пўлат ака «нерв»лари  
Пўлатдан ҳам мустаҳкам.  
Дўстлари кўп, кўпи раҳбар,  
Андижонда, Чинозда.  
Улар билан отиб турар,  
Гоҳи-гоҳи, оз-оздан.  
Борсалар «чоп-чоп», бўлади,  
«Изла, қидир, топ», бўлади,  
Пўлат ака нўш этса.

**Шоҳруҳ Акбаровга**

*ҳуқуқшунос, журналист*

Судьяларла ишлайдилар,  
Касблариям адиб — қози.  
Идорада ишлари кўп,  
Кўчада... ишқибози.  
Суяги йўқ бўп кетади,  
Пиширса балиқ, ғозни.  
Лек шахматга мук тушса,  
Ўтказар қишу ёзни.  
Ўнта десак лоф бўлару,  
Саккиз шиша соб бўлар,  
Шоҳруҳ ака нўш этса.

**Очил Мардоновга**

*транспорт ходими, гараж мудири*

Очил Мардон Самарқандлик,  
Бироқ ўхшар Анжонликка.  
Тушунмаган мавзуси йўқ,  
Ўз кўхлигин ўзи тиккан.  
Автобуслар моторини  
Ўз пулидан таъмирлатар.  
Гапга келиб шопирларин  
Бир чеккадан сўкиб ётар.  
«КАМАЗ», «УАЗ», «РАФ» бўлар,  
Бу гапдан не наф бўлар.

Ароқ оддий об бўлару,  
Шишалар хуноб бўлар.  
Очил ака нўш этса.

**Жалолиддин Жумабоевга**  
*уста энергетик*

Қиттай қилса Жалол ака,  
Қийқиртирар даврани.  
Агар қиттай қилмасалар  
Гапи тутнинг гаврани.  
Ҳазиллари титворади  
Ичак, астар-аврани.  
Яримтадан йиқилса ҳам  
Аскиянинг полвони.  
Пайровлари кўп бўлару,  
Сайровлари хўп бўлар,  
Жалол ака нўш этса.

**Абдурашид Абдуллаевга**  
*темир йўл транспорти ходими*

Қўқон излар Тошкандан  
Тошкан ўйлар: «Қўқонда».  
Аслида Абдурашид  
Киши билмас... довонда...  
Камнамо деб айтмасак  
Асли ёмон йигитмас.

Ҳазилни қийворади,  
Шаробдан бўлмади маст.  
Гап олдидан қидиришлар,  
Излов-сўров хўп бўлар.  
Юрган жойи ўша топда  
Данғара ё Поп бўлар.  
Абдурашид нўш этса.

**Анвар Жўрабоевга**

*ёзувчи, публицист*

Бир сўрасанг Фарангистон,  
Бир сўрасанг Лондонда.  
Истамбулга кетди, десак  
Сим қоқади Гонгконгдан.  
Кеннойи ҳам жаҳонгашта,  
Анвар Жўра чин ошиқ,  
Дунё бўйлаб бўзлайдилар  
Бир-бирини излошиб.  
Чингиз оға оғайниси,  
Расул Хамзат — Цада...  
Миттеранни, Феллинини  
Сўзлатди ўзбекчада.  
Анвар ака ичмайдилар,  
Хўплар андак винодан.  
Ароқхўрлик ёмон эмиш  
Қотилликдан, зинодан...  
Анвар ака гап берса,

Гап ҳам катта гап бўлар.  
Бир яшик «оқ» дап бўлару,  
Шишалар саф-саф бўлар,  
Анвар ака нўш этса.  
2006—2007

### ҚАЙИН АНОР ДОНАЛАРИ

Тақдир — дилим анча хароброқ кўрдим,  
Обод тасавурум сароброқ кўрдим.  
Бир умр эмраниб олға босаман,  
Ёлғон манзилларни сероброқ кўрдим.

\* \* \*

Биламан, бизимлар бизим демаслар,  
Бизим демасларим ғам ҳам емаслар.  
Бизни бир пашшача билмас бу дамлар  
Бизим бу дамларни дам ҳам демаслар.

\* \* \*

Омонлиғ истасанг бу ғул замона  
Зайлига боқ, деди, боқо билмадим.  
Чор томонни қибла тутган уммонда  
Тўрт ёнга бир онда оқо билмадим.

\* \* \*

Ободлиғим дил мулкининг харобиндадир,  
Обидлиғим дилсизликлар саробиндадир.  
Ай, дунё-я! Ғамларинга хуммору мастмиз,  
Хушёрлиғим майиноби шаробиндадир.

1989

### Тўртликлар

Додинга етар бир дўст бўлса, қани,  
Камингни тўлдирса, кўст бўлса, қани.  
Бу ёлғон дунё бир дўст била рост, дер,  
Ростлиги чинданда рост бўлса қани.

\* \* \*

Аҳийлар оҳига ошно қил, Эгам!  
Аҳдимни фақрла рўшно қил, Эгам!  
Йўл олдим ўзимдан Сени ахтариб,  
Собир қил, сабрни ош-нон қил, Эгам!

\* \* \*

Хушхонга ёндошдинг, тоқатинг тоғларчами,  
Хуш ондин сўз очдинг, онинг хуш чоғларчами?  
Хушхонинг хушламай хуш он кетмасми,  
Хуш онинг хуш қалбни доғ этар доғларчами?!



\* \* \*

Биз дилни дил, дедик, у дил билмади,  
Биз гулни Гул дедик, у гул билмади.  
Дилларни гулларга ифор менгзадик,  
Биз сизга қул дедик, у қул билмади.

\* \* \*

Дунё, кенглигингни дунёқалб билар,  
Хулё кўнгиллини хулёқалб билар.  
Хийрадил, имлонгдан не деб ёзғирай,  
Имлом хилватларин Ул ва қалб билар.  
2006

## ИСТИҒФОР

*Хуго яшар  
Ҳар бир гиёҳда,  
Ҳар гарахтда бордир гиёнат.*

*Шавкат Раҳмон*

Англадингми шоир сўзини,  
Ҳис қилдингми, муддаоларин?  
Бу сўзларда тавба кезинур,  
Бу сўзларда қисмат яширин.

Тавба, дейман ёқамни тутиб,  
Депсаб қўйдим қанча гиёҳни.  
Тангрим, тангрим энди не бўлди,  
Тутгай бизни диёнат оҳи...

Шавкат ака!  
Нетайин, айтинг,  
Истиффорим топсин ижобат.  
Худо...  
Қачон бизда яшайди,  
Қалбимизга кўчгай диёнат?!  
2005

### СЕН ЙЎФИНГДА


Бизнинг кўча соғинди сени,  
Дов-дарахтлар кетди ичикиб.  
Кўтаролмай ҳижрон юкини,  
Симёғочлар қолдилар чўкиб.

Йўлинг пойлаб қушлар сайради,  
Тентиради сойлар телбавор.  
Лойлар кечиб баҳор ойлари,  
Йиғлаб ўтди сенга интизор.

Эҳ, мени қўй,  
Қўябер мени,  
Ичикмадим дарахтлар каби.  
Симёғочдай чўка билмадим,  
Сайролмадим қушлар сингари.  
Лойлар кечиб баҳор фаслидай  
Хун-хун йиғлаб ўта билмадим.

Менми?  
Мен... эҳ, қўябер мени...  
Кўчалар ҳам соғинди сени.

1994.



## ЁШЛИГИМ

Бир ҳасрат бор мунглиф кўзингда,  
Бир ҳасрат-ки, жонни ўртарлик.  
Бир буюк ғофилот туйиб ўзимда  
Ёнодир бу вужуд, ёнодир борлиқ.

Энди сен қайтмайсан, йўлимиз айро,  
Кўзларинг мунгранур кето-кетгунча.  
Ёшлигим, ёшлигим, о дили вайрон...  
Сен-да ўткинчи-ё мен-да ўткинчи.

Эҳ-ҳай-й, балоларга қилдим гирифтор,  
Шаъну шавкатларга сени совурдим.  
Гарчанд ёзғирмайсан ва на гинанг бор,  
Ўзимни кўзингда гуноҳкор кўрдим.

Бир ҳасрат бор қарочиғингда,  
Не бало қисмат бу. Орқага йўл йўқ.  
Олдинда ғофилот, сарсон кезингай,  
Қайтар йўллар вайрон, кўприклар бузуқ...

Хайр, о-о-о ёшлигим,  
...ВИДО-О-О ЁШЛИГИМ...

2004.

## СОҒИНЧ

Чиқиб кетдим бир кун қишлоқдан,  
Орзулардан юрагим тошиб,  
Ўша оқшом поезд ортидан  
Болалигим қолди адашиб.

Қолди унда барча-барчаси:  
Тутзор чети,  
Оҳу кўз булоқ,  
Қорамағиз қизлар яласин  
Энди мумкин фақат қўмсамоқ.

Қолиб кетди қирлар, қўралар,  
Бўғотларда очилган лола.  
Тоққа кўчган чўпон қизининг  
Изларидан бўзлаган бола.

Ялпиз бўйин симириб сармаст,  
Телбаланиб оқувчи анҳор.  
Жонободлик сулувлардек ноз —  
Карашмали, ҳаёли баҳор.

Турфа экан, тақдирлар асли,  
Инсонлар ҳам қушдай беқўним.  
Ўтиб борар йигитлик фасли,  
Топгандайман шаҳардан қўним.

Қишлоқ хаёллари...  
Дил пора,

Бир ҳис ўртар гоҳида жонни.  
Осмонўпар бинолар аро  
Соғиниб яшайман Ўзбекистонни.  
1977.

### АРМОНИМ ЙЎҚ

Ўлсам энди йўқ армоним,  
Уч ўфил, бир қизим бор.  
Бир-биридан бийрон ва шўх,  
Тўрт жуфт қора кўзим бор.

Ўзбекистон тупроғида  
Қолар қатор изларим.  
Тобутимнинг тепасида  
Гирён-гирён бўзларим.

Камтаргина кулбамизда,  
Ўчмагай чироғимиз.  
Ватан учун жони фидо  
Муқанна ва Широғимиз...

Энди ўлсам йўқ армоним,  
Дастурхонда тузим бор.  
Давронлардан-давронларга,  
Ўтар ўзбек сўзим бор.  
1982.

## ДИЛИМ ЛИМ ДАРД

*Шоир дўстим Муҳаммад Юсуфнинг  
ёзолмаган шеъри*

Шодлан, қувон бугун, Азобим,  
Яйра, кўксимдаги Изтироб.  
Сени ҳам шишадан қутқариб  
Жигаримга қуйволдим, Гулоб.

Булут қўй, тўсма, тўрсайма,  
Қуёшлик ишим ҳам қолмади.  
Сенинг ишинг ниш урмоқ, ғаюр,  
Шоир қалби — қирмиз олмадир.

Дилим — лим дард,  
Айтолмасман, оҳ...  
Қалбдан ўзга йўқдир паноҳим  
Раҳмонда халқ, шайтоним шуҳрат,  
Осмон олис, етмайди оҳим.

Икки қизим — икки томчи ёш.  
Уларни ҳеч кўзим қиймайди.  
Жоним... Икки ўртада талош,  
Уйда, ишда, йўлда... Қийналдим!

Бу бошни — ҳаҳ... тошга ураман,  
Бағрим юлиб отаман, озор...  
Қирларни руҳимга қораман  
Ва дунё бўлади лолазор.

Бас, энди бас. Кетаман. Кетдим.  
Рози бўлинг, дўстлар, ёронлар.  
Армонми? Йўқ! Муродга етдим,  
Мингтепани билмаган ким бор?..

Шодлан, қувон, бугун Азобим,  
Яйра, кўксимдаги Изтироб.  
Андижонда яйрайди хобим,  
Марҳаматда ётмоқ ҳам савоб!..

2002.

## СИЗ

Болалик ёшликка сиғмаган армон,  
Ёшлигим — бошкентга сиғмаган армон.  
Бугун армонларнинг сўроғидамиз,  
Киноларда ўйлагандай ўйлайдиган қиз.

Шарқираб сувлар оқди, умрлар оқди,  
Шошда қарорим йўқ, Анжон йироқдир.  
Қирқ бешга ҳам кирдик, қайда у гулюз,  
Киноларда куйлагандай куйлайдиган қиз.

Кўнгил экан, кўнгилларда кўрдим ўзимни,  
Кўнгил экан, кўнгилларга кўмдим ўзимни.  
Армон бўлиб қолишингиз қайдин билибмиз,  
Киноларда йиғлагандай йиғлайдиган қиз.

Тошкент боғларида баҳор сарғайди,  
Боғларга ютоқиб анҳор сарғайди.  
Сизни деб бир умр сарғайсак-да биз,  
Қайрилиб қўймайсиз, билмайсиз эсиз...  
Киноларда суйганлардай, суймайдиган қиз.

Турналар учди, кетди. Қайтарми? Гумон!  
Яна видоларин айтарми? Гумон!  
Бошга қиров қўнди — дийдираган куз,  
Киноларда йиғлагандай йиғлайдиган қиз,  
Қайдасиз, қайдасиз, ҳозир қайдасиз?  
2000.

### ОНАЖОН

Тошлар таскин берар тоғлар ғамига,  
Томчи ёш таскиндир кўзлар намига.  
Ғамларинг таскиндир ғамлар ғамига,  
Бир тошча бўлмаган болангман Она!

Уйни меҳмон босса сўзинг қувнайди,  
Ўчоқда қозонинг — тузинг қувнайди.  
Қизим гина қилса кўзинг қувнайди,  
Қизимча бўлмаган, болангман Она!

Эртак айтиб, эрка шоир бўл, дединг,  
Эр йигитсан, элга доир бўл, дединг.  
Муҳаббатда Мажнун, Тойир бўл, дединг  
Бўлмаган, бўлолмаган, болангман Она...



Гарчи кўнглинг кўпда кулфатхонадир,  
Кўпга келган кулфатни-да оладир.  
Юрт кулфатин ўз ичига соладир —  
Кўнглинг ололмаган, болангман, Она!

Тош ҳам таскин берар тоғлар ғамига,  
Бир тошча бўлмаган болангман, Она!

2000.

### ҚЎШИҚ

Гуллигингиз, эй, гул баданим  
Гул кўнгилли гуллардан сўранг.  
Гул кўнгилли гуллар билмаса,  
Гулдай нозик диллардан сўранг.  
Жонни жонга ўраманг, жоним,  
Бизга бундай қараманг, жоним!

Сиз гулдирсиз, банди ғунчали,  
Фариштаси ойли, кунчали,  
Ариларга талош бунчали,  
Ифорингиз еллардан сўранг.  
Жонни жонга ўраманг, жоним,  
Бизга бундай қараманг, жоним!

Бу кўзлардай кўз йўқ — оҳу... жон,  
Ноз қилсангиз биз йўқ — оҳ, бу жон...  
Шеърлар ёзинг, сўз йўқ — оҳижон  
Доврифингиз эллардан сўранг.  
Жонни жонга ўраманг, жоним,  
Бизга бундай қараманг, жоним!

Хол узорда турса гўзалдир,  
Гул гулзорда унса гўзалдир.  
Зор қўлларда юрса гўзалдир,  
Зорликни биз — қуллардан сўранг!  
Жонни жонга ўраманг, жоним,  
Бизни бунча хўрламанг, жоним!

...Тўғри, биздай адо чикора,  
Йўлингизда гадо чикора.  
Ўтар бўлсак дунёдан охир...  
Деманг: унга видо чикора.  
Жонни жонга ўраманг, жоним,  
Бас, бунчалар хўрламанг, жоним!  
2000.

## БОЛАЛИК

Намхуш кесакларда ўйнайди ҳамал,  
Тинди самоватнинг мунгли алласи.  
Эшик тирқишидан боққан қиз мисол  
Ийманиб турибди, ойбаҳор фасли.

Ариқлар лабида хандона ялпиз,  
Тароват рақсига йўрғалайди сув.  
Хув олис қирлардан тошқин, тинимсиз,  
Қалбимга қуйилар сирли бир ғулу.

Уфқ сийнасида уриб чирпирак,  
Бир варрак сапчийди кўкка бетоқат.  
Номаълум туйғудан титрайди юрак,  
Бу қандай ҳаяжон, қандай ҳиссиёт?

Тақдирнинг қайсидир бурчида қотган  
Турфа хотиралар қалқди баногоҳ:  
Ўзлигин танимай менинг йўқотган —  
Бебош болалигим эмасму, бу оҳ?..

Йиллар панасида турибман мана,  
Ўтган кун ловуллаб ўчган бир чақин.  
Болалик — варрақдек олис, мардона,  
Ё узиб кетолмас, ё келмас яқин.

1977.

## ОЛОВ ҚИЗИМ

*... Кетсам бир кун ер, кўкни бузиб  
Ўкраб йиғлайдиган ўзингсан, қизим!*

*Мирнўлат Мирзо*

Она қизим,  
Оймома қизим,  
Гина қилсанг айланай ўзим.  
Ўт-оловсан ўзимдайин,  
Ўзим сенга тилайман тўзим.

Она қизим,  
Оловнинг қизи,  
Аразласанг бу олам бийдир,  
Эркалансанг мен пардай сузиб,  
Қуёш ийиб, ойлар эрийди.

Мўлтирайди сенга осмон,  
Тоғу тошлар турар мусаллам.  
Афсуски, мен тош эмасман  
Тоғ эмасдир мушфиқ онанг ҳам.

Мен отаман...  
Шоҳдир, гадодир  
Қизи борга оғир азалдан.  
Ёзғирганда ёлғиз... Худо бир...  
Пешонангда нелар ёзилган?

Туққанларинг турмас абадий,  
Ўлим ҳақдир — тақдир, йитармиз.  
Нураб тушган харсанглар каби  
Бир кун тупроқ бўлиб кетармиз.

Ўйлайсан-ки,  
Азиз бошимда  
Қачонгача ёнғоқ чақар, деб.  
Қарамманку, отам қошига,  
Қуёш қачон, қачон чиқар деб.

Қуёш чиқар, чиқаверади,  
Юзга кирсанг боламсан, болам.  
Қанча йироқ кетма, барибир  
Қалбим ўртар ноламсан, болам.

Она қизим,  
Олов қизим.  
Баёв қизим, бедов қизим.  
Ёруф юзим, кўрар кўзим,  
Тилаганим фақат тўзим,  
Сенгинадан айланай ўзим.

Қодир Эгам!  
Ёлғизимни асра ўзинг.  
Олов қизим асра ўзинг,  
Олов қизинг асра ўзинг.

2002.

## **ДАЛАЛАРДА ОЛАЧАЛПОҚ ҚОР...**

Кетмаймизми тоғларга,  
Ҳеч ким билмас ёқларга.  
Сифмай қолди бу юрак  
Шаҳарий биноларга.

Боғларин оҳори йўқ,  
Тонгларин наҳори йўқ.  
Бунда бирдан ёз келар  
Насими, баҳори йўқ.

Қишлоқ. Дала. Сўнги қор,  
Қирдан хуш бўйлар келар.  
Симирасан, тўймайсан,  
Бир турли ўйлар келар.

Яйрар нимжон вужудинг,  
Энтикар дил титрайди.  
Юрагинг қушча бўлиб,  
Учсам дейди, питрайди.

Маили, учгин, қушгина,  
Дардларинг арит, маили..  
Бу дамлар-а, хушгина  
Эртага топилмайди.

### ЎХШАШЛИК

Кулча юзли ойга қараб  
Бир ғалати бўлиб кетаман.  
Бунча мўмин бўлмаса, ёраб  
Истараси иссиқ оймома.

Тунда пахта териб юрган  
Синглимми у, беозор.  
Юлдузлар онда-сонда,  
Йилтираган пахтазор...  
1989.

## ШОИРНИНГ ЎЗИГА НАДОМАТИ

Рози қиларманми мен сизни, ота,  
Сиз суйган йўллардан юролмадим — ҳа!  
Фарзандлик бурчини сидқидил ўтаб,  
Сарбаланд уй-жойлар қуролмадим ҳам.

Одам бўлиб дунё йиғмабман,  
Элтиб бериб кўнглингиз олсам.  
Ҳалол бўл, деб, бағрим тифлабман,  
Қувонибман пора олмасам.

Дарёдил дарёлик кутибсиз мендан,  
Жилла қурса жилға бўлмадим.  
Шеърлар ёзиб, шоирлар каби  
Бундоқ ўттизимда... ўлмадим.

Камтаргина ўтди маъракаларим,  
Том ёпсам элимдан оширмай, дедим.  
Ҳалолидан тилаб топганим, борим,  
Есам бировлардан яширмай едим.

Чор-ночор кунларим чиқмади ёддан,  
Эҳсон қилдим элдай — одмироқ,  
Нафсимда ўлдирдим ўзимни, ҳаддан  
Ошмадим, аслимдан тушмай деб йироқ...  
Рози қиларманми, мен Сизни, Ота?!.

2004.

## ШАМОЛЖОН

Кел, шамолжон, дўст бўламиз.  
Сен қошу мен кўз бўламиз.  
Рози бўлсанг қиёматлик,  
Жигарлардай ўз бўламиз.

Сен еласан майин, кулиб,  
Мен куйлайман сархуш, тўлиб.  
Эсар бўлсанг биз ёқларга,  
Кузатаман дўстинг бўлиб.

Қайта келсанг ҳориб-чарчаб,  
Қаршилайман қучоқ очиб.  
Нева бўйлаб етаклайман,  
Йўлларингга сувлар сочиб.

Анджоннинг боғларидан,  
Сўлим наҳор чоғларидан,  
Кўрганларинг айласанг роз,  
Адирлари, тоғларидан.

Ўртаб, ёниб тинглагайман,  
Гурлаб, сўниб тинглагайман,  
Титраб, тўнгиб тинглагайман,  
Соғинчлардан инграгайман...

Кел, шамолжон, дўст бўламиз...  
*Санкт-Петербург. 1989.*



## ҚАЛДИРҒОЧ

Тўрғай, бунча тилинг бийрон,  
Сайрамасанг бунчалар.  
Бугун менинг дилим вайрон,  
Яйрамасанг бунчалар.

Эшилма, қўй жилғажон,  
Майсаларни қитиқлаб.  
Бугун мендан бахтлироқдир  
Анов лайча кучук ҳам.


Осмон, қовоқ уяверма,  
Обидийда қилма бас.  
Ёрга ёр-ёр айтди кеча...  
Шамолларда келди сас.

О-о, шаббода, алдоқчи,  
Олардинг-ку дил дардин.  
Кеча тамом юрагимни  
Ўртаб қўйдинг, ўртатдинг.

Чирқиллама Қалдирғоч, ай-й...  
Тақдир экан. Илож на.  
Уя қуриб юрагимга  
Сайрайсан симёғочда.

Қалдирғоч, о-о-ой  
Қа-ал-ди-ир-ғо-о-о-о...

2002.



## ВОЯҲ...

*Кетгима.*

*Хайрият, айтмадим у сўзни...*


*Ҳалима Аҳмедова*

Сен, охир шу сўзни айтдинга, вояҳ...  
Ҳаётим, мамотим ўша бир сўзни.  
У сенинг дилинга банди бир оят,  
Камина умрининг эди мазмуни.  
Билмадим, сен қандай яшайсан энди.  
Қалбингни тўлдириб юрган у сўзсиз.  
Билмадим, мен қандай яшайман энди,  
Кибримни ўлдириб турганди шу ҳис.  
Энди қийин бўлар иккимизга ҳам,  
Билмадим, биз қандай яшаймиз энди...  
2000.

## АЁ!..

Тангрим,  
Валлоҳ, ўзинг ярақа:  
Қалби яролиқни кўрибсан раво.  
Вужудни авбошлиқ тарк этган чоғда,  
Қайдин пайдо бўлди, манов ҳурлиқо!

Наҳотки,  
Қолмади, бундайроқ зулминг?



Шунча гуноҳларим каммиди, аё!..  
Қирқ беш довонда...бу не ёзуғинг?  
Энди, раҳмдилим ўзингсан, Олло!

Энди раҳмдилим... ўзингсан, Олло!  
2000.

### ҚАЙДАСАН, БУЛБУЛ?

Бунча дағал  
Анҳорнинг тили,  
Чақиб олар боғлар нафаси.  
Қайда қолди, муштипар гулнинг  
Беватан, халоскор булбули?  
Қаҳратон-ла номус талашганда ул,  
Ўли-иб ётмайсанми, пойида...  
1984.

### ИНТИЗОРЛИҚДА

Баҳор кепти бизни сўроқлаб,  
Чиқ, чиқақол сочларинг ёзиб.  
Ялпиз унди қирғоқда бодраб  
Сенинг учун, сенга мунтазир.

Ғимранади кўқда булут тунд,  
Балки шаррос қуяди ёмғир  
Бас, моҳжаҳон гиналар унут.  
Ваҳ, шундоғам бу ҳаёт талхдир.

Умр — ҳай-ҳув ўткинчи шамол,  
Олачалпоқ қорда ғанимат.  
Куттирмагил, чиққил, чиқақол,  
Бунда биздек зорда ғанимат.  
1991.

### СЕНСИЗ

Сенла сенсиз қолдимку, сабо,  
Келақол, кел марҳабо!  
Меҳрингга мен ё нораво...  
О-о-о, сабо-о...

Билибми, ё билмай сан,  
Назарингга илмай, сан.  
Нечун бунча қийнайсан,  
Келақол, кел марҳабо!

Қовоғингни уйсангда,  
Чимирилиб турсангда,  
Билмагандай юрсангда,  
Ич-ичингдан йиғлайсан...

Билганимни билмайсан,  
Кулиб туриб куйгайсан.  
Қовоғингни уймай сан  
Келақол, кел марҳабо!

1998.





Кетган эди ундан ўша кун,  
Ишонгани, куйиб кутгани.

У ҳам кетди ундан йироқлаб,  
Кўзларида хўрлик ёшлари.  
Маҳзун эди у, маҳзун, бироқ  
Адл эди сўзи, бошлари.

Севаман деб айтмайди, аниқ  
Ва ҳеч кимга қилмайди итоб.  
Паноҳ тилаб келмади у, йўқ,  
Фақат келди бизни сўроқлаб.

Оҳ-ей, охир бизни таниди...  
1993.

## ГИРЯ

Садр тушар юрагим, қара,  
Алвидолар айтар севгига.  
Тирикликнинг ёлғон мулкида  
Наҳот танҳо қолдим мен, эркам.

Энди тонглар отади ёлғон,  
Қуёш ёлғон сочади ёғду.  
Офатижон қизлар ичидан  
Излаб сени топмасман, ёҳу!

Сени йўқлаб келди бойчечак,  
Эркаланмоқ учун қўлингда.  
Қизғалдоқлар қон-қора қақшаб,  
Хазон бўлди қабринг устида.

Учиб келди турналар, қур-қур,  
Илк баҳордан элчи муждалар —  
Чаппар уриб саболар хай-ҳув  
Сўроқлади сени, суманбар.

Пайкалда илк пишди хандалак,  
Бўйларини сенга илинди.  
Қизлар чиқди қишлоғимиздан,  
Тўйларини сенга илинди.

Дугонанг ой — кулча юз малак,  
Қарай-қарай қариб кетди-ку!  
Юлдузлар ҳам, парпираб, илҳақ —  
Қароғлари толиб кетди-ку!

Энди тонглар отади ёлғон,  
Қуёш ёлғон сочади ёғду.  
Офатижон қизлар ичидан  
Энди сени топмасман, ёҳу!..

1989.



## РУҲЛАР ДИЁРИ

Сабо, ортга эсмадинг қайтиб,  
Биз ғарибга ҳижрон шунчами?..  
Ҳайқирдим, келдилар садолар қайтиб,  
Аммо сен қайтмадинг, кўнглим малҳами.

Хилват ўриндиқлар қолди ҳувиллаб,  
Анҳор бўйларида мажнунтол ғариб.  
Довдир сўқмоқлардай умр шовуллаб  
Оқиб кетаётир сўнг манзил сари.

Чўзганча майсалар қўлчаларини  
Тонгги шабнамларга юзини чайиб,  
Силкита-силкита фунчаларини,  
Хиёбонлар қолди, ўксик, мунғайиб.

Сенингсиз вайрондир руҳим диёри,  
Сенсиз нообод дил кўчалари ҳам.  
Ушланиб қолдингми ё умрим баҳори  
Бирон атиргулнинг фунча лабида?

Эҳ, Сабо-я, эсмадинг қайтиб...  
1987.

## ЁЛҒИЗМИСАН, ТУНГИ АЙРИЛИҚ

Қайтаяпман тор йўлдан. Кеч куз,  
Вужудимда ҳорфинлик бахти.  
Ўтди яна бир куним сенсиз,  
Бир кун умрим қайларга оқди?

Оқиб кетди боғлар, далалар,  
Кўзларимда тимқора наво.  
Сабрмиди сўнгсиз нолалар,  
Қаноатми унсиз илтижо?!

Эзиб қўйди мени бу алам,  
Савдолари тўзимсиз борлиқ.  
Бормисан-эй, торгина хонам,  
Ёлғизмисан, тунги айрилиқ!

1982.

## СЕН... ОҲУ

Толиқаман, офир ўйларим,  
Хаёлларим заминдан катта.  
Тун — бахтимдай инжа ва ярим,  
Сен келасан,  
Сен — ойдин шарпа.

Хотирага асло ўлим йўқ,  
Иккимиздан қўрқмайди ҳам у.  
Менинг умрим... хато кетган ўқ,  
Сен жароҳат топмаган оҳу.

1982.



## УМРИМ ТЕЛБА САДО

Ох, бефойда, бундай қарама,  
Юрагимга ташлама каманд.  
Икки зулфинг ўзи шундоғам  
Мастдир хиёнатнинг ҳидидан.


Мен эдим-ку, сенга қайиниб,  
Вафодор ит каби топинган.  
Муҳаббатнинг тахир майини  
Тўйдим, ичиб лаъли лабингдан.

Ичар энди уни ўзгалар,  
Ичадилар кўзим ўнгида.  
Кўзларимда нафратим кулар,  
Қувончларим йиғлар хўнгираб.

Хастадир кўнгли шодлигимнинг,  
Умидимнинг юзлари сариқ.  
Иродамнинг қулоқлари гунг,  
Иродамнинг жуссаси ориқ.

Турибмиз ғуссага қоришиб,  
Умрим менинг бир телба садо.  
Аҳён-аҳён аршидан тушиб,  
Хотирангдан ўтгувчи гадо.

Йўқ, бефойда, бундай қарама,  
Юрагимга ташлама каманд...  
1982.



### ҚУВОНЧ ЁШЛАРИ

Қайлардадир битта йигит бор,  
Бораяпсан у томон оқиб.  
У ҳам сенинг висолингга зор,  
Келаётир шошиб, ютоқиб.

Тақдирингда битта йигит бор,  
Олиб кетгай сени қутқариб.  
Мен бахтингдан қувониб, зор-зор  
Йиғлагайман бу ерда қолиб.

1982.


### НАЖОТ

Осмон чўка-чўка елкага етди,  
Туман депсинади киприklarимда.  
Бахт деб талпинганим ул шаффоф нидо,  
Билмадим, қайларга саргардон кетди.

Қайда у фаришта, у суюк сиймтан,  
Бетизгин туйғулар, қайдасиз бугун?  
Бўтана хаёллар занжирида банд,  
Мен бунда йўлсизман,  
Мен бунда дилхун.

Мадад бер, муҳаббат — эй тубсиз маъбар!  
Дерларки, бисотинг имконга тўлиқ,  
Токи қулаб кетмай беиз, бесамар,  
Қаърингда чилпарчин ҳайқириқ бўлиб...

1976.



## БИЁ

Не бахтки, биз Ғарибга  
Боқдинг бунча уёла.  
Ёндирди ичу борим  
Юзларинг ёна-ёна.

Дилни ўртаб кетди-ку,  
Боқишинг қиё-қиё.  
Бу не сир-синаотки,  
Бўлдингми ё маҳлиё.

Рост бўлса боқишларинг,  
Дилга ўт ёқишларинг,  
Бахт излаб Бухорода  
Юрма, чоп, биё-биё...

## ХИЛҚАТ

Гуноҳларга ботириб  
Гуноҳ қилма, Дил, о, Дил!..  
Менга инсоф ато қил,  
Уни мендан сақлагил.

Ғариштадир ҳали у,  
Заволи йўқ нур, хилқат.  
Хилқатингга ошиқ бўлиб  
Хато қилдим, табиат.

Қўзғалинг, ҳей, бўронлар,  
Йўлларимга солинг гов.  
Кел, иродам: сен ҳам бир бор  
Ўз-ўзимга бўлгил ёв.


Тўниб қол, томирда қон,  
Эҳтирослар, гупурманг.  
Етишмоққа йўқ имкон,  
У фаришта, безавол...

Гуноҳларга ботириб  
Гуноҳ қилма, эй, тақдир,  
Менга инсоф ато қил,  
Уни мендан сақлагил.  
1982.

## ЖУДОЛИФ ДАШТИ

Мана,  
Бари тугади. Тамом.  
Мен адашдим,  
яна адашдим.  
Манзил сароб.  
Қалбга чўқди шом.  
Орамизда жудолиф дашти.

Бугун дилга сепарман сув  
Кўзларимнинг хун ёшидан.



Гуноҳқорман мени севиб  
Севилмаган қизлар қошида.

Кечир мени, мени кечир,  
Мактабдошим — қаламқошим.  
Мактуб битиб укасидан  
Йўллаган мард синфдошим.

Зулфларини қирққокил ўриб,  
Чаккасига сириб жамалак,  
Сингилчамни эркалаб, суйиб,  
Кириб келгич қўшни қиз — малак.

Отам сени чопиб ташлайди  
Кўзларига кўринсанг, дея  
«Зуғум» қилган якто ҳур — Лайли  
Ҳануз тунни тонгга улайди.

Қайлардадир чўпон қиз — Баҳри  
Дилбаңдига қўйиб отимни,  
Алла айтиб бешик устида  
Йиғлар эмиш бизни хотирлаб.

Бунда эса... барчаси тамом,  
Ўҳ-ҳ, адашдим. Яна адашдим.  
Манзил сароб. Қалбга чўқди шом,  
Борлиқ... зорлиқ... жудолиғ дашти...  
2000.

## ОСТОНАНГДА ОҲЛАРИМ ҚОЛДИ

*Дил шу қадар мафтуну фарзона бизим.*

*Шайх Нажмиддин Кубро.*

Йироқдаяммассан гарчанд у қадар,  
Дийдорга риёзат тортмоқ шарт эмас.  
Хаёлим ҳовлингда — музтар кабутар,  
Сен уни супургинг билан ҳайдама.

Ўтдим...

Ўтдим остонангда оҳларим қолди,  
Ошиқ, деб эрмаклаб қочди болалар.  
Қайтдим. Деразангнинг қовоғи солиқ,

Ёпиқ дарвозангдан ўтдим мўралаб.

Одамлар... кўниқди —

Довдирга йўйди,

Маҳаллангда энди ҳамма меҳрибон.

Қизлар савдойига тош отмай қўйди,

Дедилар, довдирни Оллоҳ сийлаган.

Дардни... суйганига берармиш, ҳайҳот!

Оллоҳим сийлабди суйдириб сени.

Туну кун дилимда битта муножот:

Ўзинг дилгинамга банди қил уни.



Бугун девонангни ҳамма сийлайди,  
Фақат сен қарайсан чимрилиб, яниб.  
Энди кўчаларинг адаштирмайди,  
Қўшнингнинг ити ҳам танийди мани.  
1999.

### ФОТО

Ойномада суратинг кўрдим,  
Суратингда сураткаш нусқи.  
Сийнатингни хаприқтирган ким?  
Ким, ул, иффатингни тўсган.  
Биламан, бу савол бефойда,  
Биламан, ҳақ гапни айтмайсан.  
Сен чиқиб кетгансан ўзингдан  
Бокира вужудга қайтмайсан.  
Сийратингда сувраткаш нусқи.  
2005.

### КЕЛ...

Кел,  
Бирга кезамиз маҳзун боғларни,  
Қўтир дарахтларни силаймиз суйиб.  
Қайтиб келмасимиз ушбу чоғларни  
Менинг юрагимга ёзамиз ўйиб.  
Сенинг юрагинга... азоб бермаймиз...  
2005.

## АГАР МЕН ЎША БЎЛСАМ

Агар сен ўша бўлсанг,  
Зор бўлганим, зоргинам,  
Истараси иссиққинам,  
Зулфларингни занжир қил.

Мен агар ўша бўлсам,  
Хаёлингда боргина —  
Оразингнинг орзуманди  
Нозларингга банди қил.

Ифори изларингда  
Масрургина қил-да-қўй.  
Ихтиёрим ихтиёр қил  
Зоргинам бўл зоргина...  
Гарчи сен ўша бўлсанг,  
Агар мен бўлсам ўша...

## НАБИРАЛАРИМ

*Жавоҳир ва Бегижонга*

Отасини ургинг келар,  
Боласи билан юргинг келар.  
От бўлса от, ит бўлса ит  
Бўлиб улыб, ҳургинг келар.

Ётинг, «ҳа-чу» бўлинг, деса,  
Эмаклайсан, кишнайсан.  
Саман бўлиб чопдим кеча,  
Тахтаполдан едим майса.

Машинада қум келтириб,  
Уйни қайга қурай, деса.  
Самолётин шарт қўндириб  
Оборайми ойга, деса.

Мен қувонмай ким қувонсин,  
Қандай сиғай ичимга  
Юз йил яшаб қаримасман,  
Куч қўшилар кучимга.

Отасини ургинг келар,  
Боласи билан юргинг келар.  
Очомлашиб, думалашиб  
Минг йил даврон сургинг келар.  
2006.

## ИЗИНГИЗДА ЗОРЛАР

Дилим хунобидир — шеърларим, байтим  
Сизга айтарларим, дерларим айтдим.  
Мана илкингизда — қалбимдир қадах,  
Хоҳ уни сипқоринг, хоҳ тўкинг чайқаб.

Сиз бундан заррача бўлманг озурда,  
Биламан... лойиқсиз қайноқ севгига.  
Бироқ айтинг, бизга термулар чоғда  
Қарофингиз бўйла маҳзун кўрдик, а?

Балки бу савдолар тушмасди бошга,  
Бу кўзлар, шу кўзлар сўйламаганда.  
Мағлуб онларимда жиқ тўлиб ёшга,  
Фолиб дамларимда куйламаганда...

Мана, илкингизда жоним лим қадах,  
Хоҳ уни сипқоринг, хоҳ сепинг тошга.  
Гул тутар ошиқлар минглаб... муҳаққақ  
Абдунабидайи келмайди бошқа.

Сизга айтарларим, дерларим айтдим...  
*2000.*

## МУСТАМАНД БЎЛСА...

Мустаманд ўлсайди гар ул манчалик,  
Ашкидан обод ўлурди Чўл Малик.

Роҳат манга рутбаи расволиғим,  
Додга келсам оstonаси олмас алиқ.

Ойни офоқ мулкида ойин дема,  
Нигор топмиш кўк ўзига ончалиқ.

Паттойи ҳол кўйга тушсанг туш, кўнгил,  
Оройиши топмас сани топқончалиқ.


Лайлида масрур ким, наҳоринда ким,  
Ваҳмида масрур дилим хуфтончалиқ.

Ошубинда чун Интизор ўтсам керак,  
Нола қилсам ўтгаменму ўтгончалиқ.

2002.

## РОСТ БЎЛСАЯ

Нигоро, деб ул нигорга  
ёққанинг рост бўлсая!  
Изларидан излаб-излаб  
оққанинг рост бўлсая!  
Гарчи дил саҳро, ёбон,  
қақраб ётурди не замон



Оҳ, бу ёбон мулкида гул  
таққанинг рост бўлсая!

Тийрамавж мужгонинга  
инмоққа биз мустар эдик,  
Кибр итоб кипригингда  
нур балққани рост бўлсая!

Ай, етар, паймона ҳам  
тўлди, деганда ногаҳон,  
Бу харобот қалба ишқ бот  
балққани рост бўлсая!


Раҳм этиб Қодир Худо,  
оҳимга етди оқибат,  
Андалибга бир меҳр ила  
боққанинг рост бўлсая!

1985.

### **КЕЛДИНГМИ, ЁР?**

Келдингми, ёр хонамизни  
тўлдириб хуш ҳаволарга,  
Нотавон дил ташна эрди  
айни жўшқин наволарга.

Шитоби суръатинг-ла  
Деҳинавча итоб этдинг,



Тўпалондай тортиб кетдинг  
бизни ишқий маъволарга.

Даввори селобингда неча  
Нухнинг тўфони бор,  
Дош бермагим хейли душвор  
бўйла буюк савдоларга.

Сарин саболаринг самум  
эркан-ку, сўхта жисму жон,  
Мингта Ибни Сино ожиз  
куйган дилни даволарга.

Топди роҳат Интизоринг,  
куймақдин, оташбангидир,  
Баски, тамом куйдирмасанг,  
солгум сени Худоларга.


2002.

### ЗУЛФ

Зулф телба, шаҳло кўзу қош устида,  
Дил телба, йигирма бир ёш устида.

Бир бенаво волайи ҳайронадир,  
Наволари ҳаволанур бош устида.

Ки нигоҳ холина музтару беҳол,  
Мунгранур қош ости, гоҳ ёш устида.



Хусни соҳир афсунлари офат, ажаб,  
Соҳир аҳдим фош қилди, фош устида.

Зулфи майли бир гал қошу бир холдадир,  
Бизнинг майл бағри тошу тош устида.

Бўйла мастлиғ этма, мужгон олдида зулф,  
Балки хуш ёр кўрса хорсен лош устида.

Зулф телба, шаҳло кўзу қош устида  
Дил телба, йигирма бир ёш устида.  
2000.

### ГУЛ, ЭЙ...

Гул-эй, гулгун баҳор рамзи,  
гуллигинг изҳор қил,  
Сенда дилхун, девона дил,  
қуллигинг изҳор қил.

Гулга-да, булбулга-да  
ганимат ушбу дамлар,  
Келибди гул баҳоринг  
булбуллигинг изҳор қил.

Ифори изларинда  
тентираган елларни қув,



Бу дайри довулларда  
дулдуллигинг изҳор қил.

Мен соғинч сандиғида  
Жайхунда оқиб боргум,  
Сен Зуҳрохоним бўлиб  
гулгунлигинг изҳор қил.

Жонни мудом айирма,  
Интизор, шу дамлардан,  
Ки шайдолиғ мақомида  
турғунлигинг изҳор қил.

1995.

### УЛ ЛАЙЛИ

Кўзи чарослигин кўзга  
илмайди, во, илмайди,  
Қоши қалам бўлганлигин  
билмайди, во, билмайди.

Икки юзи оташинда  
икки зулфи жизғанақ,  
Икки тим кўз нечук парво  
қилмайди, во, қилмайди?

Санги мужгон, иниб киприк,  
ҳаволанди кибр қабоғ,

Шу боиским бирон қалбни  
тилмайди, во, тилмайди.

Интизор ишқ диёридан  
хор-у увол ўтди-кетди,  
Десанг шояд; бунда нетди,  
бир дайди, во, бир дайди?

2002.

## КЎНГИЛГА ҲАЖ

*ЖалолIDDин Румийга назира*

Йўлга чиқдим излабон,  
асли Сен кўнглимдасан,  
Васлинга еткунча юз  
қояни йиқмак осон.

Бунча соҳир битмасанг  
бағрима жамолингни,  
Жамолингни топғуча  
жон баҳридан ўтмак осон.

Шайтон куйи авжланур  
тоатимда туну тонг,  
Бу дилни покламақдин  
Нилни қатрон этмак осон.

Раббимо, руҳи бастим  
қил музайян, хилъатинг\*  
Этса шояд қарзими  
даргоҳинга элтмак осон.

Йўлингда Интизоринг,  
гарчи Сен кўнглидасан,  
Кўнглина еткунча минг бор  
Каъбага етмак осон.

2005.

### КЕТСА-КЕТИБДИР

*Ҳофиз Шерозийга татаббуъ*

Куйингда бир муғанний  
адо кетса-кетибдир,  
Васлингни мудом излаб  
хато кетса-кетибдир.

Хато савти\*\* барқидин\*\*\*  
бу очунда талотум,  
Ой юзидин абри шарм —  
мато кетса-кетибдир.

---

\* *Хилъат* — тўн, мукофот тариқасидаги либос

\*\* *Савт* — овоз, куй, оҳанг

\*\*\* *Барқ* — яшин, чақмоқ

Чин ёр улдир муносиб,  
тил ёрса лабни хиёл,  
Бир ой юзлиғ тили бол  
тота кетса-кетибдир.

Дилим айтур тилим-а,  
маъшуқлик лофин урма,  
Ишқ сирдир, Турку Ажам,  
Хито кетса-кетибдир.

Ўзидан беҳабарлар  
осий билди, инжима,  
Сидқи имон муборак,  
итоб кетса-кетибдир.

Бадгумонлар жаззаси  
яхшилиқ, қил яхшилиқ,  
Яхши дилдан бу янглиғ хитоб  
кетса-кетибдир.

Васфинг, асли Интизор, Мирзо\*  
ҳам муддаоси,  
Бу йўлда икки шўрлик шитоб  
кетса-кетибдир.

2005.

---

\* Мирзо Кенжабек — Ҳофиз Шеъррозийнинг таржимони

## ЖАННАТ ҲАВОСИДА

Жаннат ҳавосида бўлдим осий, во  
Қаро юзим бўлди батарроқ, сиё.

Васлинг дил мақсуди эй Ёри азиз,  
Найлай дил изҳори тилимда сиво.

Ажаб дил била тил маҳрамлиғи йўқ,  
Қайдин маҳрам десун Ватан — Осиё.

Обидлиғ лофин ур ҳарчандки, йўқ рост,  
Тилаб ростлиғ дориға ўзни ос, ё...

Ихтиёри таважжухдин кўрқамен,  
Ўчмагай деб авбош оҳимдин зиё(нг).

Васлинг Жонободдин баски жанобат,  
Етурсанг ғаме йўқ минг гир осие.

2005.

## ЛЎЛИВАШ

Фол очдинг, бору йўғим фолимга тушди,  
Адл алдовларинг қаду долимга тушди.

Дунё ёлғонларидан букилмаган жон,  
Ёлғонингдан менинг ҳолимга тушди.

Севибсан рост, севмоғим гумондир, демак,  
Наҳотки, сен бағритош золимга тушди.

Мен севдим, севмасанг... йўқ айб эмасдир,  
Демасанг бас: ишқи бу холимга тушди.


Жонобод, минг шукр, жонинг ободдир,  
Бир жонинг жонон қалбнинг домига тушди.  
2000.

## ТУТЛИ ҲОВЛИ

*Шухрат домланинг «Машраб»  
романини ўқиб*

Дилга олов солди-қўйди, тутли ҳовли,  
Ихтиёрим олди-қўйди, тутли ҳовли.

Машраб бобом иккимизни жовдиратиб,  
Бир кўйларга солди-қўйди, тутли ҳовли.



Тентираймиз, кетиб йироқ кетолмаймиз,  
Оёқлардан чалди-қўйди, тутли ҳовли.

Наманганда энг чиройли уйдир, гўзал  
Арзи момо, сизнинг ҳовли, қутли ҳовли.

Жонона, кўр, Шоҳ Машрабинг аҳволини,  
Қулдай бўлди, қолди-қўйди, тутли ҳовли.

Чин ошиқлик баёзини ўқиб Интизор,  
Бўлди-қолди, чолди-қўйди, тутли ҳовли.  
2002.

## БЎЛМАЙДИ ҲЕЧ

*Агиб Собир Термизий ғазалига мухаммас*

Санг дардим, сарфи адо бўлмайди ҳеч,  
Дил туби инграр, садо бўлмайди ҳеч,  
Рашкни суйдим ул фидо бўлмайди ҳеч,  
Менга қалбинг ошно бўлмайди ҳеч,  
Бу дилим сендан жудо бўлмайди ҳеч.

На иложким, севгида касбинг жафо,  
То қиёмат орзум: бир зум сафо.  
Не ажаб, бир ажаб кун кўрсанг раво...  
Билмадинг сен, қанчалар қилдим вафо,  
Дил қўлингда бевафо бўлмайди ҳеч.

Неча ойдир сўрмадинг, ҳолим қалай,  
Сен туфайли бу қадди долим қалай,  
Қул девонанг фикр ёди, золим бул, ай:  
Икки лабдан дерман уч бўса олай,  
Ҳожатим ундан раво бўлмайди ҳеч.


Қодир Аллоҳ бизга ваҳ, берди тўзим,  
Насибам сабр, қаноат ризқу рўзим,  
Англармисан, айланай сендан ўзим,  
Қайси кунки, йиғламас икки кўзим,  
Сувтегирмон шаҳр аро бўлмайди ҳеч.

Васфида қашшоқ тилимдир подшо,  
Йўлсизин йўлда йўлимдир подшо,  
Ҳақ биру, ўнгу-сўлимдир подшо,  
Ёрим ишқингда дилимдир подшо,  
Васл аро ул подшо бўлмайди ҳеч.

Дайри дундир, унда борсан, бунда йўқ,  
Оҳ, нетайки, унга борсан, менга... уҳ-ҳ...  
Ушбу лаҳза кимга ёрсан, қалби чўғ!?  
Ноз-у ғамзангдан отилган ҳар бир ўқ,  
Қалбима теккай, хато бўлмайди ҳеч.

Асли борим обу гил, сен унда гул,  
Обу гилим мушку райҳон исли қил,  
Бул муножот Интизордин рози дил,  
Этмагайсан, ҳеч муродимни қабул,  
Чархдан ҳам муддао бўлмайди ҳеч.

2002.





## ИККИ ТУП ГУЛ

Бегонайди наслда  
Улар аслида,  
Ўтқаздилар гул тувакка  
Иккисини ёнма-ён.  
Шудгор..  
Ерга ишонмадилар  
Тупроқни ҳам келтирдилар  
Аллақайси адирдан  
Ўтиб йиллар, бировининг  
Қадди ростланиб  
Ўсди тикка,  
Иккинчиси рангпар, майиб,  
Тураверди букчайиб.  
Уй соҳиби бир кун оҳиста  
Қўйди тирговуч — бенаф.  
Осиб қўйди  
Шипга иш билан — бефойда.  
Боғлади сўнг чирмаштириб  
Тик новдага мажруҳин — бўлмади.  
Э, эгрининг эл наздида  
Насли тоза эди-да!..  
Боши қотди соҳибнинг,  
Орият-ку, ўлимдан қаттиқ,  
Туғаб сабот, ахир тугақиб,  
Тик ниҳолни эгрига мослаб  
Тортиб қўйди  
Полга мих қоқиб.  
1988.

## АБСТРАКТ НАЗАР

Кўзим, кўзларингда ким бор,  
Кимнинг кўзларида зорсан ўзинг?  
Нигоҳдан нигоҳга тортиб дор,  
Учқур сўзларимни уздинг-а, уздинг.  
Сўзларимнинг боши йўқ энди,  
Қонига беланиб ётар унларим.  
Унларимдан юраклар унди,  
Муҳаббатлар унди, қарагин.  
Кўзим, кўзларингда ким бор?..  
2004.

## «ДЎППИЛАР»

Йўлин тўсди шилқимлик,  
Бир маъсума покликнинг.  
Назарлар ичида топилмади,  
Бирон-бир жасорат,  
Ҳаддин қайиргали  
Безориликнинг.  
Фарёд қилди шу пайт  
Бир заиф тилак:  
«Борми бирор тирик орият?»  
«Қирилиб кетганми жўмардлик?»  
Кўчаничи тўлдириб  
Оқар эди хотиржам,  
Орияти, ғурури  
Ўнгиб кетган дўппилар.

## ВАФОНИНГ САЙРОН ТИЛИ

Тиллашдик вафонинг сайрон тилида,  
Дилдор, ваъдаларга вафо қилмадинг.  
Югурдинг висолнинг ёлғон йўлидан,  
Ёлғон манзил, ёлғон сафо тиладинг.

Ёшлик, бир ҳовуч қум,  
Тўкилди-кетди.  
Гул фасли — севгини англаб улгурмай,  
Умримиз армонлар фаслига етди.

Виждонни кемирар энди бир кадар,  
Кимнидир излайсан дегайсан зора...  
Узоқ қолиб кетдик, узоқ, дарбадар  
Ҳижронлардан зада нигоҳлар аро.  
1985.

## УМР ЎТАР

Тонг —  
Онамнинг сарин нафаси,  
Мен оромга тўймаган фурсат.  
Тун —  
Умримнинг жажжи лаҳзаси —  
Кундузимдан келган  
«қорахат».

1983.

## ҲАЁ, НА ХУШДИР

Хўп майли, боқмадик. Хўп майли... уят...  
Кўзим кўзларингдан айролар тушди.  
Андиша, бормисан, юзингни кўрсат,  
Жамолинг жилваси — ҳаё, на хушдир.

Андиша, балки бу сен ўзингдурсан?  
Ҳаё, ҳаё — бу балки сенинг исминг.  
Майлими, исмингга гоҳ-гоҳ сифинсам,  
Хаёл қўрларида қовурсам жисмим.  
1995.

## МИЛЛАТ РУҲИ

Ўйлайверсанг халқумни,  
Миллий ғурур бўлгай ер.  
Ғурури йўқ халқларнинг  
Руҳи шаксиз қурир, дер.

Лек... ажаб, лол қолдирар,  
Кўпдан битта синоат.  
Ғурури йўқ халқлар бор  
Руҳан мағрур, озод, шод...  
1985

## ИХТИЛОФ

Сен душмансан ўз кўзларингга,  
Ўртангизда бордир ихтилоф.  
Ўтдим жўртта боқмай ёнингдан  
Кузатдилар ёниб, жовдираб.

Қандай ҳақгўй кўзларинг, сени  
Фош этади шафқатсизларча...

1983

## ОНАМ ЯШАГАН УЙЛАР

Сен яшаган ҳовлиларга  
боролмайман, онажон,  
Борсам, яйраб, борлигингдай  
киролмайман, онажон.  
Сен бахш этган бу бағирнинг  
бағрида тошлар синди,  
У тошларга бошим уриб  
ёролмайман, онажон.

У уйларда энди бизга  
мушукчалик йўқ қадр,  
Бир кўрпача тўшалгунча  
юз иддао, минг садр.  
Бу гўшанинг тўшаклари  
наҳот, шунча юпқадир

Юпқалашиб кетдимми ё  
билолмайман, онажон.

Борсам, болам, келдингми деб,  
борингни тўккувчийдинг,  
Бўйларимга зор оҳу  
зорингни тўккувчийдинг.  
Пешонамни сийпалаб, ўпиб,  
минг ўргилгувчийдинг  
Ўргилай деб борсам, энди  
тополмайман онажон.

Сен яшаган ҳовлиларга  
боролмайман, онажон,  
Борсам, яйраб, борлигингдай  
юролмайман, онажон.

2004.

## ТЎРТЛИКЛАР

Ўтганлар ёдидай ўтиб борамиз,  
Шодлик, ғам-бахрибайт, битиб борамиз.  
Қанча узоқлашиб кетганим сайин,  
Шунча яқинлашиб борар орамиз.

\* \* \*

Қай гулда дилимни сайрона кўрдим,  
Қай дилда ўзимни ҳайрона кўрдим.  
Ҳайронлиғ шуки, ҳар обод юзларни  
Харқилиғ, ҳаробат, вайрона кўрдим.

\* \* \*

Биз асли қайдинмиз? Қайдин ўтурмиз?  
Мурод мақсудлара қайда етурмиз?  
Биламан. Ўзингдан йўл олиб, аё,  
Адашиб тупроққа кириб кетурмиз.

\* \* \*

БАХТИМ — жигаримни эзмоғинг, эй дўст,  
Умримни лаҳза-лаҳза бузмоғинг, эй дўст.  
Англатиб ҳар дамда қадрим нарҳини  
Жоним ришталарин узмоғинг, эй дўст.

\* \* \*

Кўзлари дарёйим-ай, чокар пайти бу,  
Жудолиғ оҳини чекар пайти бу.  
Заволим ўзингга зорлиқдан, ҳай дўст,  
Кўзларинг тубига чўкар пайти бу.

\* \* \*

Кимки соғинибди, бахти бор бўлсин,  
Икки жавониби барқарор бўлсин.  
Интизор оҳини уйдан қувганлар  
Кўчаси Интизорга интизор бўлсин.

\* \* \*

Сато торларидан садолар кетди,  
Гуллар япроғида саболар кетди.  
Шуларга маст бўлиб сен кетдинг, гулим,  
Изингдан бизнинг дил адолар кетди.

\* \* \*

Эй дил, топинганинг топганча бўлмас,  
Меҳри меҳринг истаб чопганча бўлмас.  
Ўлсанг, балки кўзинг ёпар, ёпар-у  
Кўзингни ёпмаслар ёпганча бўлмас.

\* \* \*

Бу қадим работдир, ўторимиз бор,  
Қалбимиз қаърида ўт торимиз бор.  
Дунёйи ўтрик, бу танни қийнама,  
Шу ўтрик тан ичра, ўт оримиз бор.

\* \* \*

Бир дил ташна бўлса, бўлар шунчалар,  
Фамга ошно бўлса бўлар шунчалар.  
Бағрингни тош кўрдим, кўзларинг беёш,  
Кўзлар ёшга тўлса, тўлар шунчалар.

\* \* \*

Кўнглим, не қилсам сени шод қилдим,  
Зор бўлганим зорлиқда ёд қилдим.  
Ҳар неки ҳаробат, тошимдадир,  
Ўзимни ўзимда обод қилдим.



\* \* \*

Дилим овлоғига қанча яширмай,  
Дилларга йўл топиб чиқасан, доғман.  
Қадрингни қадрлаб қанча оширмай,  
Қадримни парчалаб йиқасан, доғман.

\* \* \*

Тўғрисўз туққанга ёқмас, инчунун,  
Кун келди, тўғри сўз ёқмас тўғрига.  
Кераксиз каломга дўнмаслик учун,  
Алифдай тўғри сўз боқмас тўғрига.

\* \* \*

Дўстим, мастлифингдан мастона бўлдим,  
Сўзи ростлифингдан остона бўлдим.  
Яхши одамларнинг пойи остида  
Депсалиб-депсалиб достона дўндим.

## МАЖНУНТОЛ

Мажнунтол-о-о, мажнунтол,  
Менда сендек маҳзунҳол.  
Сенда Мажнун, мен Мажнун,  
Зорликка борми, завол?

Сувга бунча ошиқсан,  
Нимасига лолсан, лол?

Оқар-кетар, ортидан  
Боқшинг... увол-увол...

О, мажнунтол, мажнунтол  
Бизлар бунча ҳазинҳол?  
Маҳзун-маҳзун хаёлдай  
Сувларда оқди висол.

Йиллар шамол, умр сув,  
Биз ноламиз биз вола.  
Ўтаверсин давронлар  
Бир-биридан ҳаволаб...

Келмоқ асли ҳасратдир,  
Қалб дардидан айтдик хўб.  
Сувдай оқиб кетяпмиз  
Ортга эса қайтиш йўқ.

Мажнунтол-о-о, мажнунтол,  
Бизда ўтдик ҳазинҳол.  
Яхши-ёмон дамларни  
Эслама энди, малол...

Йиллар — шамол, умр — сув,  
Ўтдик мана, ҳайё-ҳув,  
Кетдик мана, ҳайё-ҳув,  
Ке-е-етдик во-я, ҳайё-ҳу-ув...

2007

## ОҲ, ЁР...

Шукр, мени зор қиб юрсангда,  
Қайлардадир борсан, азизам.  
Жисман унга фидо турсангда,  
Қалбан менга ёрсан, азизам!

Наҳотки, ишқ — оний аланга,  
Бир гуриллаб ўчгувчи шарор?  
Ҳа-ҳув, ўша олис нолангда  
Мен яшайман, унда волам бор.

Волам чақмоқ, нолам аланга,  
Ағёр қайдан билибди буни?  
Кўзларимда жолам аланга,  
Воҳ, ёр қайдан билибди буни?

Оҳ, Ёр қайдан билибди буни!..

2007

**МУНДАРИЖА**

Истак .....	3
Давронларинг .....	4
Наврўз .....	5
Шоирлар .....	5
Қисмат .....	5
Бу дунё .....	6
Ёр кўчаси .....	7
Сонет .....	8
Ойлар тўлини .....	9
Ёрим бўлсанг .....	10
Паём .....	11
Сокинам, Чаросим .....	12
Ҳижрон кемаси .....	13
Камилла .....	13
Ишқ — қисматим .....	15
Майли .....	16
Ҳаёлигим .....	16
Ўша биттаси .....	17
Ҳамонки .....	17
Яшил дарахт .....	18
Мени ёндир .....	19
Тиниқиш фасли .....	21
Яхшилик .....	22
Султонмурод ака .....	23

Нимаси бор .....	24
Дилкашим, ғаним .....	25
Гар камол истаюрсан .....	26
Йазғурма .....	27
Гулистоним менинг .....	27
Чўмбирим, қўнғир сочим .....	29
Инонсак имкон эди .....	31
Ёнар сўз .....	32
Кимда бор .....	33
Улфатлар таърифида .....	34
Қайин анор доналари .....	39
Тўртиклар .....	40
Истиффор .....	41
Сен йўфингда .....	42
Ёшлигим .....	43
Соғинч .....	44
Армоним йўқ .....	45
Дилим лим дард .....	46
Сиз .....	47
Онажон .....	48
Қўшиқ .....	49
Болалик .....	50
Олов қизим .....	51
Далаларда олачалпоқ қор .....	53
Ўхшашлик .....	54
Шоирнинг ўзига надомати .....	55
Шамолжон .....	56
Қалдирғоч .....	57
Вояҳ .....	58
Аё!.. .....	58
Қайдасан, булбул .....	59

Интизорликда .....	59
Сенсиз .....	60
Довдир жилғаман .....	61
Мўъжаз жон келди .....	62
Гиря .....	63
Рухлар диёри .....	65
Ёлғизмисан, тунги айрилиқ .....	66
Сен... оху .....	66
Умрим телба садо .....	67
Қувонч ёшлари .....	68
Нажот .....	68
Биё . .....	69
Хилқат .....	69
Жудолиғ дашти .....	70
Остонанда оҳларим қолди .....	72
Фото .....	73
Кел .....	73
Агар мен ўша бўлсам .....	74
Набираларим .....	75
Изингизда зорлар .....	76
Мустаманд бўлса .....	77
Рост бўлсая! .....	77
Келдингми, ёр? .....	78
Зулф .....	79
Гул, эй .....	80
Ул Лайли .....	81
Кўнгилга ҳаж .....	82
Кетса-кетибдир .....	83
Жаннат ҳавосида .....	85
Лўливаш .....	86
Тутли ҳовли .....	86

Бўлмайдди ҳеч .....	87
Икки туп гул .....	89
Абстракт назар .....	90
Дўппилар .....	90
Вафонинг сайрон тили .....	91
Умр ўтар .....	91
Ҳаё, на хушдир .....	92
Миллат руҳи .....	92
Ихтилоф .....	93
Онам яшаган уйлар .....	93
Тўртликлар .....	94
Мажнунтол .....	97
Оҳ, ёр... .....	99

---

84(5У)

Б 52

**Бойқўзиев Абдунаби.**

Кўзлари дарёйим-ай!.. Шеърлар.— Т.: «O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2007.— 104 б.

**ББК 84(5У)**

**Абдунаби Бойқўзиев**

**КЎЗЛАРИ ДАРЁЙИМ-АЙ!..**

*Шеърлар*

Муҳаррир *Б. Хугоёрова*

Рассом *О. Фозилов*

Техник муҳаррир *У. Ким*

Мусахҳиҳлар *С. Салоҳиддинова*

Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Босишга рухсат этилди 17.05.2007. Бичими 70×90<sup>1/32</sup>.  
«BaltikaUz» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма  
табоғи 3,8. Нашриёт-ҳисоб табоғи 3,45.

Адади 1000 нусха.

Буюртма № 07-56. Баҳоси келишилган нарҳда.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

